



Бу сонга:

ИШСИЗ ОДАМ

Узоқ муддат ишсиз юрган инсонларнинг кўпчилигида психосоматик касалликлар ривожланади. Уларда кўпинча кайфият бўлмайди, парижонхотирликка чалинади. Савол берсангиз, аниқ, лўнда жавоб ололмайсиз.

3-бет.

ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ ДЕНОВДА ҚОЛМОҚЧИ

Қаҳрамонимизнинг яна бир мақтовга сазовор жиҳатини айтиб ўтмасак бўлмайди. У футболни зўр ўйнайди, маҳоратли ҳужумчи.

4-бет.

СУВ ОСТИДА ҲАМ БИРИНЧИ

Ҳамкасбимиз Анваржон Олимжонов узоқ вақт сув остида туриш мусобақасида нанайликларнинг 20 дан ортиғига бас келди. Ҳатто рақибларидан 2 дақиқа кўп турди.

6-бет.

МАЗАСИ ОҒЗИНГИЗДА ҚОЛАДИГАН “ЖУЕРИ ГУРТИК”



“Ҳар бир таомга меҳр бераман, масалликларни мўл қилиб қўшаман. Шунданми, овқатларим хуштаъм бўлади”.

7-бет.



Гулсарвар Раупова “Hamkorbank”нинг умидли, серғайрат ёш ходимларидан. У банкнинг Юнусобод филиалида ишлайди. Яқинда ички назоратни мувофиқлаштириш секторидан мидл офис бўлимига ўтди.

Гулсарварнинг филиалдаги фаолияти шахс ва мутахассис сифатида фақат ўсиш, шаклланиш ва ютуқлар билан чамбарчас. Ҳамкасблари уни қўллаб-қувватлайди. Асосийси, у доимо изланишда.

Бекзод МУТАЛЛИБОВ олган сурат.

КУН ҲИКМАТИ:

Агар йўқотишларга дуч келсангиз, уларни йўқотиб қўйишдан ваҳимага тушманг. Йўқотиш ортидан, албатта, топилмалар ҳам келғусидур.

Ҳақиқатпарвар инсоннинг биринчи қадами нўноқ, аммо манзили порлоқ бўлғуси.

КОНФУЦИЙ

Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутатлари жамоатчилик билан ишлашда доим фаол. Кун мавзусига айланган коронавирусга қарши вакцина олишда ҳам улар тарғибот ишларини олиб бориб, ўзгача йўл тутдилар. Ҳар бир депутат тиббиёт муассасаларида биринчилар қаторида эмланди.

ВАКЦИНА ОЛГАНЛАР ХОТИРЖАМ

— Фуқаролар иккиланиб тургани бор гап, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олтиной Мамирова. — Бунга ижтимоий тармоқлардаги

айрим ўринсиз хабарлар сабаб. Депутат сифатида уларга вакцина олишнинг фойдалилигини тушунтиришдан аввал ўзим эмландим. Энди тиббиёт ходим-



лари ва маҳалла фаоллари билан хонадонма хонадон юриб, жамоатчилик орасида тушунтириш ишларини олиб бораёмиз. Вакцина

олганлар хотиржам бўлади. Асосийси, касалликка қарши курашувчанлик ортади.

Коронавирус пандемиясига қарши ишончли ва мустаҳкам ҳимоя — вакцинация. Шу сабаб дунёнинг аксарият давлатларида аҳолини оммавий эмлашга катта эътибор қаратилмоқда. Юртимизда ҳам бу борада тиббий тайёргарлик етарли даражада.

Сиз ҳам вакцина олдингизми?

Абдували КАБИРОВ.

Президент Фармони билан давлат мулкани 1 сўм қийматда сотиш амалиёти бекор қилинди. Объектлар савдоларга бозор нархларида чиқарилади. Мол-мулк сотилганидан кейин ҳудудлар ва давлат бюджети ихтиёрида қоладиган маблағлар улуши 73 фоиздан 87 фоизгача оширилади.

МУЛКЛАР ЭНДИ 1 СЎМГА СОТИЛМАЙДИ

Давлат активларини "1 сўм" бошланғич қийматда сотувга қўйиш амалиёти Президентнинг ўтган йилги қарорида кўзда тутилган эди. Жорий йилда 900 дан ортиқ давлат мулкларини сотувга қўйилади. Улар бозор нархларида электрон савдоларга чиқарилади.

Бундан ташқари, ҳужжат билан давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартибларига ҳам ўзгартишлар киритилмоқда:

87 фоиз (73 фоиз эди) — республика бюджетига;
10 фоиз (24 фоиз) — давлат активларини бошқариш,



трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига;

3 фоиз — савдо-саноат палатасига, маблағларни мақсадли равишда тadbиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, тadbиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Молия вазирлиги навбатдаги суверен халқаро облигациялар Лондон фонд биржасида жойлаштирилишини билдирди.

ОБЛИГАЦИЯЛАР ЖАҲОН БОЗОРИГА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА ЧИҚАРИЛАДИ

Қайд этилишича, миллий валютадаги мазкур халқаро облигациялардан келиб тушган маблағларни барқарор ривожланиш мақсадларини молиялаштириш учун ишлатиш режалаштирилган.

"Суверен халқаро облигациялар жойлаштирилишини самарали ташкил этиш

мақсадида халқаро инвестицион банклар ва юридик фирмаларга ўз тақлифлари бўйича сўровномалар юборилди ва рақобатли танлов асосида банк-андеррайтерлар — "Citі" (АҚШ), "J.P.Morgan Chase" (АҚШ), "Gazprombank" (Россия) ва "MUFG" (Япония), юридик консультант — "Dentons" (Буюк Британия) танлаб олинди", дея маълум қилди вазирлик ахборот хизмати.

Манбага кўра, Молия вазирлиги томонидан навбатдаги суверен халқаро облигацияларни муомалага чиқариш бўйича барча зарурий чоралар, жумладан, эмиссия проспекти ва бошқа юридик ҳужжатлар тайёрланган.

"Роуд-шоу" (Roadshow) тadbiri доирасида халқаро инвесторлар учун телеконференция (Global Investor Call) ўтказиш режалаштирилган ва унда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Дания ва Швейцария каби мамлакатлардан халқаро инвесторлар иштирок этиши кутилмоқда.

"J.P. Morgan" инвестиция банки (АҚШ) "Ўзбекистоннинг қуёш каби кўтарилиши" номли таҳлилий ҳисоботини эълон қилди.

"J.P. MORGAN" ПРОГНОЗЛАРИГА ҚАРАГАНДА...

Унга кўра, республика сўнгги 20 йил ичида Марказий Осиё, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Африка (СЕМЕА) мамлакатлари орасида юқори ва барқарор ўсиш суръатига эриша олган санокли мамлакатлардан бири бўлган.

Ҳисоботда Ўзбекистон иқтисодиёти 2021 йилда 8,1 фоиз, 2022 йилда 6,3 фоиз ўсишга эришиши прогноз қилинган. Жорий йилги иқтисодий ўсишга асосан қурилиш ва саноат тармоқлари ҳисса қўшади.

Қайд этилишича, 2016 йилдан кейин давлат қарзи тез суръатлар билан ўсиши кузатилсада, бюджет қонуни билан давлат қарзининг энг юқори миқдори (ЯИМга нисбатан 60 фоиз) белгилангани ва давлат қарзининг 60 фоизга етиши эҳтимоли пастлиги қайд этилган.

Кенгайиб бораётган жорий операциялар ҳисоби тақчиллигининг асосий сабаби сифатида иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар кўрсатилмоқда. "J.P. Morgan" прогноزلарига кўра, олтин нархи 2022 йилга бориб 1

минг 350 долларгача тушиши мумкин. Шу сабабдан, Ўзбекистон жорий операциялари ҳисоби тақчиллиги 2021 йилда ЯИМга нисбатан 4,5 фоизни, 2022 йилда ЯИМга нисбатан 8,5 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.



870 МЛН. ДОЛЛАРЛИК ЕВРОБОНДЛАР

— Ўзбекистон умумий қиймати 870 млн. долларга тенг бўлган евро облигацияларини иккита траншда чиқаради.

Долларли транш 10 йил муддатга, сўмда кўрсатилган евробондлар эса 3 ёки 5 йилга чиқарилади, — дея хабар берди молия вазири ўринбосари Одилбек Исоқов. — Ҳозир аниқ билмаймиз, чунки ўтган йилдан бери биз 2 трлн. сўмлик траншни чиқарган эдик. Агар талаб яхши бўлса, биз транш ҳажмини сўмда оширамиз ва долларда камайтирамиз. Аммо траншларнинг умумий миқдори 870 млн. долларни ташкил этади.

Таъкидланишича, миллий валютадаги халқаро облигациялар чиқарилишидан тушадиган маблағлар Ўзбекистон учун Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) дастурини молиялаштиришга сарфланади. Гап мактаблар, касалхоналар қуриш, сув таъминоти, гендер тенглиги сиёсатини тарғиб қилиш ва бошқалар ҳақида кетмоқда.



Президентимизнинг "Шаффофликни таъминлаш ва давлат харидлари самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарори иқтисодиётни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши кутиляпти.

ДАВЛАТ КОМПАНИЯЛАРИГА ХАРИДЛАР ТЕНДЕРСИЗ АМАЛГА ОШИРИЛМАЙДИ

Ҳужжатга мувофиқ, жорий йил 5 июлдан бошлаб давлат компаниялари учун индивидуал тарзда давлат харидларини тендерсиз ўтказишнинг мавжуд талаблари бекор қилинди.

Уларга давлат харидлари ўтказилиши тўғрисидаги эълон-

лар ва давлат харидлари натижалари тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот портали ва ОАВда эълон қилиш мажбурияти юклатилди.

Агар товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати 25 000 БХМдан юқори бўл-

са, техник шартлар ва сотиб олиш учун тендер ҳужжатлари Иқтисодий ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт шартномаларини комплекс экспертизадан ўтказиш маркази"га тақдим этилади.

Бундан ташқари, Кузатув кенгаши йиғилишида корпоратив буюртмачилар харидларнинг мувофиқлигини белгилаш учун йиллик ва чораклик давлат харидлари жадваллари, шунингдек, импорт қилиниши режалаштирилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) рўйхатлари кўриб чиқилади.

Чехияда аёлларга ўз фамилияларидаги "ова" қўшимчасидан воз кечишга рухсат берилди. Мамлакат Президенти Милош Земан тегишли қонунни имзолади.

ЭНДИ ФАМИЛИЯДА "ОВА" БЎЛМАЙДИ

Ҳозиргача чех тилидаги барча фамилиялар шу шаклда тугарди. Бундан ташқари, ушбу қўшимчалар чет эллик аёллар ҳақида гап кетганда ҳам ишлатиларди: Чехияда Ангела Меркель — Меркелова, Хиллари Клинтон — Клинтонова, Валентина Терешкова — Терешково-



ва деб юритилади.

Баъзи тилшуносларнинг фикрига кўра, бу чех тилининг тузилишини



бузади, бу ерда "ова" қўшимчаси грамматик роднинг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Усиз гап эркак ёки аёл ҳақида кетаётганини тушуниб бўлмай қолади. 2019 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра, чехиялик эркаклар ва аёлларнинг аксарияти қўшимчани сақлаб қолишни қўллаб-қувватлашган эди.

ОЛАМДА ЧИМА ГАП?

Куба пойтахти Гавана ва бошқа қатор шаҳарларда мамлакатнинг коммунистик ҳукуматига қарши кўп минг кишилик норозилик акциялари бўлиб ўтмоқда.

ҲУКУМАТГА ҚАРШИ НАМОЙИШЛАР

Қатнашчилар эркинлик, демократия ва ҳукуматнинг коронавирус пандемиясига янада қатъийроқ курашишини талаб қилишмоқда. Улар кўтариб чиққан шиорлар орасида шундайларини учратиш мумкин — "диктатура йўқолсин", "коммунизм йўқолсин" ва "биз кўрқмаймиз".

Аммо намоийшчиларни ғазаблантираётган ягона муаммо пандемия эмас. Улар элек-

троэнергияси ва озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги туфайли ҳолдан тойишган.

Ҳукуматга қарши намоийшлар — Куба учун камёб ҳодиса. Сўнгги бор бундай чиқишлар 30 йил олдин кузатилганди. Президент Мигель Диас-Канель АҚШ ва "Куба—Америка мафияси"ни мамлакатда норозилик кўзғаб, вазиятни беқарорлаштиришда айблamoқда.

Инсон маълум бир ёшга етганда, ортига қараб, босиб ўтган йўлига назар ташлайди. Шунда ўтган кунидан мамнунлик сезади ёки қалбини афсус эгаллайди. Шукрки, мен яшаб ўтган умримга қараб фақат шукрона айтаман. Ахир оддий пенсионер эмасман. “Намкорбанк” АТБнинг фахрий нафақахўриман. 2013 йилда фаолиятимни тўхтатган бўлсамда, ҳамон банк эътибори ва эътирофидаман. 3 нафар фарзандим, 5 нафар набирам бор. Турмуш ўртоғим билан фарзандлар роҳатини кўриб яшайпмиз.

ЭЪТИБОРДАН ЁШАРЯПМАН

Собиқ ишхонам байрам ва тадбирларда унутмай, ҳурмат қилиб, йўқлайди, совға - саломлар беради. Ҳануз банк ҳисобидан саёҳатларга, дам олиш масканларига жўнатиламан. Мен каби ходимининг камтарона меҳнатларини юксак даражада қадрлаган жамоамдан миннатдорман.

Ёдимда. Икромжон Ибрагимов таклифи билан 1995 йил 23 май куни АТБ “Андижонбанк”да (“Намкорбанк”нинг аввалги номи) кредит бўлими бошлиғи вазифасида фаолиятимни бошлаганман. Унгача “Туронбанк”да ишлар эдим. Келибоқ, бошқа муассасалар билан фарқини сездим. Ходимлар мустақил фикрлашга ҳаракат қилар, тартиб-интизомга қаттиқ эътибор бериларди. Тўғри йўлдан кетгани учун ҳам “Намкорбанк” бугун мана шундай ривожланишга эришган, деб ўйлайман.

У пайтда жамоа кичкина эди. Шаҳрихон, Тошкент каби санокли тармоқлар бўлган, холос. Аста-секин жойлардаги кичик шохобчалар филиалга айланиб, Банк бошқармаси ташкил этилди.

Бошланишидан “Намкорбанк” инсон омилини биринчи ўринга қўйиб, ходимларга ишлаши учун қулай шароитлар яратиб берган. Кейинчалик амалиёт бошқармаси кредит бўлимига бошлиқ этиб тайинландим. Бу вазифада 2001 йилгача фаолият юритдим. Иш жараёнида кўплаб ёш ходимларга касбимизнинг сир-асрорларини ўргатдим. Улар ўқиб-ўрганиб, етук мутахассис мақомига эришди. Шогирдларим орасида Республика “ЎЗСТАНДАРТ” агентлиги бош директори Дилшод Сатторов, “Намкорбанк” ички аудит бошқармаси

бошлиғи Муҳиддин Арслонов, ходимлар билан ишлаш департаменти директори ўринбосари Акром Парпиев каби мутахассисларнинг борлиги қалбимни қувонч ва фахрга тўлдиради.

2004 йилдан ички аудит ва хавфсизлик хизмати департаментида ишлаб, 2008 йил нафақага чиқдим. Лекин Кенгаш раиси И. Ибрагимов ташаббуси билан бош банк бошқарувида тафтиш комиссияси ташкил этилгач, шу комиссияга ишга чақирилдим. 5 йил мобайнида филиалларда актив амалиётларнинг қай даражада бажарилаётганлигини назорат қилиб, амалий ёрдам бериш ва ишни тўғри йўлга қўйилаётганлигини текшириш билан шуғулландик.

Сифатли, ҳалол меҳнат муҳитида жуда кўп нарсаларни ўргандим. Тошкент банк-молия академиясига 5 кунлик малакавий ўқишга борганимизда хориждан келган мутахассисларнинг банк ишига оид маърузалари катта тажриба вазифасини ўтаган.



Андижон телевидениесида қимматбаҳо қўғозлар мавзуси бўйича кўрсатувда иштирок этганим, 8-март байрами муносабати билан банкимиз тадбирига келган хонанда Мавлуда Асалхўжаева билан кўришиб, суҳбатлашганим, ҳар баҳор жамоамиз билан сумалаклар пиширганимиз сира эсимдан чиқмайди. “Намкорбанк” ана шундай унутилмас таассуротлар тўхфа қилган. Ҳозир 67 ёшдаман. Эътибор ва эҳтиромдан ёшариб кетгандек бўламан, ширин хотиралар завқидан куч оламан. Ҳаммаси учун “Намкорбанк”ка раҳмат!

Фарида СИДДИҚОВА,
банк фахрийси.

ПСИХОЛОГИЯ



Ишсизлик долзарб муаммолардан. Айни шиддатли замонда ишсиз, даромадсиз яшаш — кислородсиз нафас олишдек гап. Ҳеч яқинларингиз орасида, атрофингизда айни меҳнатга яроқли даврида ишсиз юрган, омади чопмаган инсонларни кузатганмисиз? Уларнинг қалбига қулоқ солганмисиз?

ИШСИЗ ОДАМ

Инсон ўз олдига мақсад қўйганда унинг “мени” бошқалар томонидан баҳоланиши жуда муҳим. Яъни ўз менини намоён қилишни истаган одам, айниқса, бирор жойга иш сўраб борган кишининг йўқ деган жавобни эшитиши, уни аутсайдер одамга айлантириб қўяди. Масалан, шахснинг индивидуал психологик характерида келиб чиқадиган бўлса, меланхолик, флагматик инсонларга иш топа олмаслик ҳолати кучли таъсир ўтказиши мумкин. “Энди нима қиламан?” деган савол руҳий қийноққа солади. Дейлик, бу одамнинг ишлаши унинг оиласидаги бирон-бир муаммони ечиши ёки ўзининг қандайдир хасталигини даволаши учун зарур бўлса-ю, аммо у иш топа олмаса, кучли психологик ҳолатга тушади. Ҳатто бу ҳолат ўз жонига қасд қилишгача ҳам олиб келиши мумкин.

Узоқ муддат ишсиз юрган инсонларнинг кўпчилигида психосоматик касалликлар ривожланади. Уларда кўпинча кайфият бўлмайдиган, паришонхотирликка чалинади. Савол берсангиз, аниқ, лўнда жавоб ололмайсиз. Пессимистик кайфиятга тушиб қолгани учун ҳамма нарсада салбий жиҳатларни кўради. Бундай инсонлар курашиш ва олдинга интилиш хислатларини йўқотиб боради. Шундай ҳолатда уларга яқинларининг тасаллиси, таскини сув билан ҳаводек зарур. “Бугун бўлмаса, эртага, албатта, иш топилади, ҳаммаси яхши бўлиб кетади”, деган сўзларни мунтазам айтиш жуда муҳим.

Баъзи инсонларда доимий ишсизлик туфайли эртанги кунга бўлган умид, ишонч сўнади, мақсадлар йўққа чиқади. Бу ҳолатни уларнинг юриш-туришидан сезиб олиш қийинмас. Ишсизлик инсоннинг қаддини букиб қўяди. Бу бор гап. Кузатсангиз, аниқ иш жойи бўлмаган, ҳеч қаердан моддий даромад кўрмайдиган инсонлар қаддини эгиб, тушкун ҳолатда юради. Шундай экан, маҳалла-кўй, қўни-қўшни, таниш-билишлар орасида шундай одамларга бефарқ бўлмай, уларни руҳан қўллаб-қувватлашимиз, маънавий кўмак беришимиз керак. Бизнинг меҳримиз, эътиборимиз, кўмагимиз уларга далда бериб, бу ҳолатдан чиқиб кетишида муҳим роль ўйнайди.

Гулхумор ТОЖИБОЕВА,
психолог.

Шу йил 23 июлдан бутун дунё нигоҳи Япониянинг Токио шаҳрига қаратилади. Шу санадан бошлаб XXXII ёзги олимпиада ўйинларига старт берилади. Аслида мусобақа ўтган йили бўлиб ўтиши керак эди. Аммо пандемия туфайли бир йилга кечиктирилди. 8 сентябрдан давом этадиган тадбирда 205 та мамлакат вакиллари спортнинг 40 дан ортиқ тури бўйича ўзаро куч синашади.

23 ИЮЛДАН ТОКИОГА

Олимпия ўйинлари билан бир вақтда параолимпия мусобақалари ҳам бўлиб ўтади. Мусобақада 71 нафар олимпиадачиларимиз бокс, енгил атлетика, оғир атлетика, дзюдо, сузиш, қиличбозлик, теннис, замонавий бешкураш, каноэда эшак эшиш, таэквондо, велоспорт, спорт курашлари каби ўйинлар бўйича иштирок этади. 43 нафар параолимпия

пия лицензиантлари эса ўқ отиш, сузиш, ядро улоқтириш, баландликка сакраш, узунликка сакраш, найза улоқтириш, таэквондо, каноэ каби спорт турларида баҳсга киришади.

“Токио-2020” нафақат спортчиларимиз, балки, ҳакамларимиз учун ҳам катта синов мактаби бўлади. Негаки, ватанимиз номидан Тоҳир Ғуломов спорт курашлари, Рамзид-



дин Саидов дзюдо, Адия Ҳасанова қиличбозлик, Зухра Абдуллаева оғир атлетика, Евгения Дедушева теннис, Шерзод Иноғомов сузиш, Эльмира Файзуллаева синхрон сузиш, Людмила Ли спорт гимнастикаси, Талия Абдураманова бадий гимнастика, Ольга Блохина триатлон баҳсларида

ҳакам сифатида қатнашади.

Мусобақалар спорт телеканалларида тўғридан-тўғри эфирга узатилади. Ҳамюртларимизнинг чиқишларини кузатиб боринг ва спорт ўйинларидан баҳра олинг.

НИГОРА.

ЁЗГИ ОЛИМПИДА

1987 йилда деновлик Холмўмин ака хонадонидида ўғил фарзанд дунёга келди. Ота ният қилганидек, фарзандига Шерали деб исм қўйди. Чунки у ўша пайтда элга машҳур ҳофиз Шерали Жўраев қўшиқларининг ихлосманди эди. Қарангки, азбаройи мухлислик иштиёқи туфайли фарзандига отаси эмас, Жўра бобосининг исмини фамилия қилиб берди.

ШЕРАЛИ ЖУРАЕВ ДЕНОВДА



ҚОЛМОҚЧИ

Шерали отаси ҳавас қилган ҳофиздек қўшиқчи бўлмади. Ахборот технологиялари университетида таҳсил олиб, ИТ мутахассиси бўлиб етишди. Олти йилдан буён "Hamkorbank" АТБ Денов филиалида фаолият юритади. Мидл офис инфорацион технологиялар етакчи мутахассиси. Филиалдаги барча техник жиҳозларнинг соз ишлаши, операцияларни сифатли бажариши учун у жавобгар.

"Бу ерга келишдан аввал коллежда ишлаганман. У ерда битта жамоа иккита гуруҳга бўлинганди. Филиалимизда эса аҳиллик биринчи ўринда. Ҳамма иш жамоавий бажарилади. Шу боис кўнглим тўқ, яхши кайфиятда меҳнат қиламан", - дейди Шерали Жўраев.

Филиалнинг жипслиги, соғлом муҳити уни шу ерда муқим ишлаб қолишига сабаб бўлди. Ваҳоланки, бугун ИТ мутахассисларига талаб катта. Шерали эса ўз соҳасида

яхшигина билим ва иқтидор соҳиби. Аммо ўз келажагини шу жамоада кўрмоқда.

Қаҳрамонимизнинг яна бир мақтовга сазовор жиҳатини айтиб ўтмасак бўлмайди. У футболни зўр ўйнайди, маҳоратли ҳужумчи. Яқинда Денов туманида футбол бўйича "Ҳоким кубоги"



учун мусобақа ўтказилди. Турли ташкилотлар номидан иштирок этган 34 та жамоа орасида "Hamkorbank"чилар 2-ўринни эгаллади. Филиал жамоаси финалда туман футбол мактаби билан ўйнаб, 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди.

"Hamkorbank" АТБнинг футбол бўйича республика мусобақасида эса Термиз филиали жамоаси устидан 8:4 ҳисобида ғалаба қозониб, кейинги босқичга йўл олди. Жамоанинг бу ютуқларида Шералининг ҳиссаси катта. Негаки у ҳужумларни ривожлантиради, жамоани руҳлантиради ва голлар уради. Деновнинг ана шундай қобилиятли ходимлари бор.

Н. ТЎХТАМАТОВА.

ЧИРЧИҚЛИКЛАР БАНК ХИЗМАТИДАН МАМНУН

"Hamkorbank"нинг Чирчиқ филиали 2018 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Орадан ўтган қисқа вақт давомида аҳолининг ишончига кирилди. Ҳозирда мазкур филиалда 37 нафар тажрибали ва изланувчан ходим фаолият кўрсатмоқда.




— Иш унумдорлигига эришиш учун кадрлар салоҳиятини оширишга эътибор қаратганмиз, — дейди банк бошқарувчиси Фурқат Эрназаров. — Айниқса, ёш кадрлар диққат марказимизда. "Устоз-шогирд" анъаналари яхши йўлга қўйилган. Бу ўз-ўзидан мижозларни бизга бўлган ишончини оширмоқда.

Даволанувчилар учун барча қулайлик-

ларга эга "MEDNUR" хусусий клиникасини очишда молиявий кўмакдош қилиб "Hamkorbank"нинг Чирчиқ филиалини танлаб адашмаганини эътироф этган бош шифокор Сайёра Салимбоева: "Бизни иқтисодий қўллаб-

қувватлаётган банк ходимларидан мамнунмиз. Келажақда хусусий клиникамизни янада ривожлантиришда молиявий кўмакдош бўлишига ишонаман," — деди.



БАХТ ВА МЕҲНАТ — ЭГИЗАК

Бахт-меҳнат гўё эгизак. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос яратувчилик завқи, гашти, масъулияти бўлганидек, банк тизимининг ҳам ўзига яраша машаққати бор. Мазкур соҳада фаолият юритаётганлар орасида қарийб 22 йилдан ортиқ меҳнат қилган иқтисодчи, банк ходимларидан бири Дилрабо Мамировадир.



Д. Мамирова 1975 йилда Навоий вилоятининг Кармана туманида — зиёлилар оиласида таваллуд топган. Отаси Нормуҳаммад ака муҳандис, онаси Ҳикоятхон опа ўқитувчи. У болалигидан илмга чанқоқ, тиришқоқ бўлиб улғайди, фанлар шоҳи-математикани севди. Навоий давлат педагогика институти ва Тошкент Молия институти-ни тамомлади.

— Меҳр билан ўқилган китоб садоқатли дўст кабилар. Умрида лоақал биттагина фойдали китоб ўқиган киши бирорта китоб ўқимаган кимсadan юз карра устундир, дея бежиз айтишмаган. Ота-онам муталаа завқини берган, китобга меҳримизни тоблаб ўстиришган. Банкда ишлаш болалиқдаги орзуйим. 2009 йилда "Hamkorbank"нинг Навоий филиалига бош ҳисобчи лавозимига ишга қабул қилиндим, — дея сўзлай бошлаган суҳбатдошимнинг кўзларида нур, қалбида фахрни сездим.

— Банкимизда "Устоз-шогирд" мактаби яратилган. Ҳамма бир-бирдан ўрганади, ўргатади ва молиявий кўмак беради. Тез-тез аудит ҳисоблари таҳлил қилинади. Бундай тадбирлар яхши самара

бериши тайин. Ҳар йили банк ходимларини рағбатлантириш мақсадида турли мусобақалар, тадбирлар уюштирилади. "Энг яхши бош ҳисобчи" номинацияси бўйича икки бора ғолиб бўлганим — энг қувончли кунларимга айланган.

Яқинда "Hamkorbank" марказий кенгаши томонидан ташкил этилган гуруҳ Миср давлатида саёҳатда бўлди. Кўп йиллик меҳнатимни эътиборга олиб, қадрлаб, мени ҳам саёҳатчилар сафига қўшишганидан руҳландим. Кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилди. Танлаган касбим орқали қадр топганимдан қувондим.

Инсон танлаган касбини севсагина сидқидилдан меҳнат қилади. Зеро интилиш, изланиш, сабр-бардош юксак мақсадлар чўққисига олиб чиқади. Айни дамда "Hamkorbank"нинг Тошкент филиалида ёшларга чин маънода устозлик қилиб келаётган Дилрабо Мамированинг келгусидаги режалари бисёр.

Холида ҚОБУЛОВА.



Чирчиқ шаҳридаги йирик "BEST PROPUCK" МЧЖ ўз фаолиятини ушбу филиал билан ҳамкорликда бошлаган. Ҳозирда анчагина иқтисодий

ютуқларга эришган. Буни МЧЖ раҳбари Олим Юлдашев сўзлари изоҳлади:

— Муваффақиятларимиз ва фаолиятимизнинг ривожланиши айнан банк мутахассисларининг салоҳияти, бизнес-режанинг мукамаллигида деб биламан.

Чирчиқлик "Hamkorbank"чилардан аҳоли, айниқса, мижозлар мамнун. Банк амалиёт ишларини ўргатишда Муҳаббат Зокирова, Улуғбек Миразиқов, Азизбек Парпиев ҳамда Нодира Кушатова каби тажрибали ходимлар фаол. Муассасанинг доимо мижозлар билан гавжумлиги, уларнинг сидқидилдан ишлаётгани ва мурожаатларга бефарқ эмасликлари сифатли хизмат кўрсатилаётганидан далолатдир.

Х. ҚОБУЛОВА.

6 ОЙДА 100 ФОИЗ КЎРСАТКИЧ

Балиқчи банк хизматлар офиси “Hamkorbank” тизимида ўз ўрнига эга. Ҳозирда 11 нафар ходим 395 та юридик мақомга эга мижозга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг кредит портфели 37 миллиард 694 млн. сўм, микрокредит қолдиғи 15 миллиард 485 млн. 700 минг сўм, яъни, режага нисбатан 220 фоизга бажарилганини кўрсатади. Шунингдек, истеъмолат кредит қолдиғи 17 миллиард 805 млн. сўмни ташкил қилади. Банк хизматлар офисида бир нечта турдаги кредит хизматлари амалга оширилади. Хусусан, пул ўтказмалари, банкомат хизматлари намунали ташкил қилинган. Фойда ҳам шунга яраша. Жорий йилнинг 6 ойида 1 миллиард 835 миллион сўмдан ортди, яъни режа юз фоизга бажарилди.

Банк ходимлари орасида бирдамлик мавжуд. Бу борада БХО бошлиғи Ҳаётилло Абдукаримов ҳамкасбларига ўрнак. Унинг сазой-ҳаракатлари ва сидқидилдан қилган хизматлари ҳамда Аъзамжон Қодиров, Миржалол Маждов, Сайдулло Қосимов сингари ёш, изланувчан ходимларнинг меҳнатини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Бугун кичкина бўлсада, анчайин салоҳиятга эга банк хизматлар офиси балиқчиликлар турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда. Ходимларнинг ҳушмуомаласидан аҳоли мамнун.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

Ҳикмат:

Оммага эргашган одам ундан ўзиб кетолмайди. Ўз онги билан ҳаракат қиладиган киши эса ҳеч кимнинг оёғи етмаган манзилларга бора олади.

— Бизга мурожаат қилиб келаётган ҳар бир ҳамшаҳаримизга эътиборли бўлиб, керакли маслаҳат ва кўмакларимизни аямай келмоқдамиз, — дейди “Hamkorbank” АТБнинг Каттақўрғон филиали бошқарувчиси Синдор Алимардонов. — Мурожаатчи ижобий жавоб эшитсагина, мижозга айланади. Филиалимиз жуда ёш, 34 нафар ходимнинг аксарияти ёшлар. Шундай бўлса-да, туман миқёсидаги банклар орасида юқори ўринлардан бирини эгаллаб улгурдик. Мижозлар ишончини қозонишимизга жамоанинг изланувчанлиги, ҳозиржавоблиги ва ишдаги масъулияти сабаб бўлди. Айни пайтда туманимиз аҳлига намунали банк хизматларини кўрсатиб келяпмиз.

“ЯНГИ ФИЛИАЛГА БИРИНЧИ МИЖОЗ БЎЛДИК”



— Ҳар бир иш бошида молиявий кўмақдош керак бўлади, — дейди филиалнинг доимий мижози Муҳаммадрасул Нигматуллаев. — 2019 йилда тадбиркорлик фаолияти юритишни режалаштириб, бизнес режа туздим. 2020 йилда шаҳримизда янги ташкил қилинган “Hamkorbank”нинг дастлабки мижозларидан бири сифатида “Oakmont



Stratton second” МЧЖ фаолиятини йўлга қўйдим. Бугунги кунга келиб, филиал билан ҳамкорлигимиз пухта йўлга қўйилган. Ишлаб чиқариш жараёнимиз ҳам икки баробарга ошди. Биздан моддий кўмагини аямай келаётган банкнинг раҳбари Синдор Алимардоновга, бош ҳисобчи Элёр Пардаев ва кредит бўлими бошлиғи Озод Холмуродовга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

— Мен Каттақўрғон шаҳридаги “Каттақўрғон НОН” МЧЖ раҳбариман, — дея ўзини таништирди Акбар Пўлатов. — “Hamkorbank” туманимизда ўз филиалини очиши билан унга мижоз бўлдим. Бу банкка кирсангиз, шинам, замонавий офис ва мижозларга яратилган қулайликлар диққатни тор-

тади. Энг муҳими, ходимлари жуда ҳушмуомала. Улар берган тавсиялардан ҳамма бирдай қониқиш ҳосил қилади. Шу муассаса билан ҳамкорлигим самара бериб, ишларим юришиб кетди. Бунинг учун филиалнинг барча ходимларига катта раҳмат!

“Hamkorbank”нинг қўллаб-қувватлаши туфайли олий неъматимиз бўлган нон ва нон маҳсулотларини эрта тонгдан аҳоли дастурхонига тортиқ қиладиган тадбиркор Акбар Пўлатов ва каттақўрғонликларни ўзи ишлаб чиқараётган ёғ билан таъминлаётган Муҳаммадрасул Нигматул-



лаев каби мижозлар сони ортиб бормоқда. Уларнинг банк билан ҳамкорлиги бардавом бўлсин.

Холида ҚОБУЛОВА.

Бу ташбеҳлаш ёки ҳавойи гап эмас. Чунки, Андижон машинасозлик институтида таҳсил олаётган вақтимдан банк тизимида ишлашни ният қилдим. Оилада 3 фарзанднинг тўнғичиман. Ота-онам бизларни ўқимишли бўлишимизни, давлат ташкилотларида ишлашимизни орзу қилишган экан. Ўзлари тадбиркорлик билан шуғулланишгани боис банк ходимларига ҳурмати чексиз эди. Балки, шу меҳр молия муассасасида ишлаш истагини жойлагандир қалбимга.

Иш фаолиятини “Hamkorbank” АТБнинг Хўжаобод филиалида фронт офис иш ўрганивчиси сифатида бошлаганман. Соҳа иштиёқи банк ишини ўрганишга астойдил киришишга ундади. Изланиш, ўқиш, устозлардан олган сабоқларим



ҲАМКАСБЛАРИМ МЕҲРИДАН КУЧ ОЛАМАН

туфайли бу иштиёқ янада ортди. Тизимнинг барча босқичлари — фронт офисда кичик менежер, менежер, 1-тоифали менежер, кор-

поратив хизматлар бўлимларида малакамни оширдим.

2019 йилда Булоқбоши мини банки бошлиғи этиб тайинлашга-

нида юқоридаги масъулият, бурч янада ортди. Кичкина бўлсада, жамоага етакчилик қилиш осон эмас. Муваффақиятларнинг калити меҳнатда эканлигини яна бир бор ҳис қилдим.

Бугун фахр билан айтаман: ота-онам орзусидаги инсон бўлиб улғайдим, халқимга хизмат қилиш каби масъулият завқи билан яшамоқдаман. Улар чин дилдан қилган дуоларининг барчаси амалга ошмоқда. Айни пайтда “Hamkorbank” АТБнинг кредитлаш ва андеррайтинг департаменти кредит маълумотлари билан ишлаш бўлимида фаолият юритяпман. Шу жамоа иккинчи оиламга айланиб бўлган. Ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаётган банкда бахтимни топдим. Ҳамкасбларим меҳри менга куч беради, ғайрат-шижоат билан ишлашга ундайди.

Сардорбек МАРИПЖОНОВ.

ФИЛИАЛЛАР ФАОЛИЯТИДАН



СУВ ОСТИДА ҲАМ БИРИНЧИ

Яхши дам ишда ижобий самара беради. Бу “Hamkorbank”нинг Чуст филиали жамоасида қарор топган. Яқинда Нанайнинг тоза ҳавосидан баҳра олди, спорт мусобақалари уюштирилди, футбол ўйнаб яйрадик. Ҳамкасбимиз Анваржон Олимжонов узоқ вақт сув остида туриш мусобақасида нанайликларнинг 20 дан ортиғига бас келди. Ҳатто рақибларидан 2 дақиқа кўп турди. “Яхши дам — меҳнатга ҳамдам”, деган халқ мақоли бизга айтилгандай, гўё.

Филиалимиз шаҳар марказида жойлашганлиги боис, тадбиркор ва жисмоний шахсларга қулай. Филиалимиз ҳозирда 400 та юридик ва 3 минг 800 дан ортиқ жисмоний мижозга хизмат қилади, шунингдек, 236 нафар омонатчиларимиз мавжуд.

“Моҳидил Даврон”, “Amir Mira Trans”, “Chust Omad Comfort”, “Technolog GR” ҳамда “Life Time Stones” масъулияти

чекланган жамиятлари, Дилфуза Мамажонова каби якка тартибдаги тадбиркорлар кўп йиллик ҳамкорларимиз. Жамоамиз уларнинг лойиҳаларини қўллаб-қуватлайди, зарур ҳолларда иқтисодий, ҳуқуқий йўналишлар бўйича маслаҳатлар беради. Йил охирига қадар бундай мижозлар сафи янада кенгайишига умидвормиз. Чунки Саиджон Содиқов, Жасурбек Олимжонов, Саидолим Тождидинов ва Маъмиржон Амиров каби менежерларимиз бу борада катта тажрибага эга.

“Hamkorbank”да кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади. Филиалимиз 2018 йилнинг июль ойида 10 нафар ходим билан иш бошлаган. Ҳозирда уларнинг сони 35 нафарга етди.

Сафимизда билимли, ўз устида ишловчи, инновацион ғоялари билан банк иқтисодий ривожига ҳисса қўшувчи Охунжон Файзиев, Улуғбек Каримов, Содиқжон

Ғаниев каби ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Эришаётган ютуқларимизда уларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Филиалимиз иқтисодий салоҳияти юксаклиги билан бизга фахр туйғусини беради. Йирик мижозлар билан ишлаётганимиз боис, бизнес режа кўрсаткичи ортиғи билан урдаланяпти. “Hamkorbank”нинг 30 йиллиги арафасида йирик мижозларни жалб қилиш ва муаммоли кредитларни ундириш ҳамда бизнес режа кўрсаткичларини бажариш билан шуғулланмоқдамиз.

Биз касбимизни сева-миз ва ардоқлаймиз. Ўзаро ишонч бир-биримизга бўлган ҳурматда намоён. Чустнинг гуллаб-яшнаши, ободлиги, халқимизнинг бой-бадавлат яшашига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан бахтиёрмиз.

Валихон ШОДМОНОВ,
филиал бошқарувчиси
ўринбосари.

КУН МАСЛАҲАТИ

Ёзнинг жазирама кунларида тарвуз энг сеvimли емакка айланади. Аммо уни танлашни билмасангиз, таъбингиз тирриқ бўлиши шубҳасиз. Хўш, бозорда тарвуз танлаш вақтида нималарга эътибор қаратиш керак. Мана улардан айримлари:

- тарвуз катта, бироқ оғир бўлмасин;
- сиқиб кўрганда қарсиллаши керак;
- чертиб кўрганда бўғиқ ва жарангсиз овоз чиқарсин;
- тилинган ва ёрилган жойлари бўлмасин;
- тарвузнинг банди қуруқ бўлсин;
- ёнбошида ўртача катталиқдаги сариқ доғ бўлиши ва, ушбу доғ оқ бўлмаслиги зарур;



БОЗОРДА ТАРВУЗ ОЛАЁТГАНДА...

- тарвузнинг устки қавати ялтироқ бўлиши, жилосиз ва хира бўлмаслиги лозим;
- устидаги йўл-йўл чизиқ аниқ-тиниқ кўриниб турсин;
- етилган тарвузнинг пўсти осонгина тирналади — тирноғингиз ёрдамида пўстлоқнинг устки қаватини шилиб олиш мумкин;
- тарвуз сув тўлдирилган идишга солинганида, юзага қалқиб чиқса — пишган, чўкиб кетса хомдир.
- Бундан ташқари, тарвуз қандай жойда сотилаётганини ҳам эътиборга олиш зарур. Чунончи, савдо нуқтаси айвонли бўлиши, тарвузлар соябон билан қуёшдан тўсилиши лозим. Тарвузлар ердан камида 20 сантиметр баландликдаги махсус таглик устига жойланган бўлса, янада яхши.
- Тарвузни истеъмол қилишдан олдин уни чўтка ёрдамида яхшилаб ювиб, сочиқ билан артиб, қуритинг.

Касбим тақозоси билан вилоятлардан бирида жойлашган ОИТС марказининг фаолиятини ёритишга тўғри келди. Марказ шароитлари билан танишдим, тажрибали шифокорлар билан мулоқот қилдим. Қайтаётганимда четроқдаги дарахтлар салқинида ўтирган, чамаси, 70 ёшлардаги бир отахон мени ёнига чақирди.

— Қизим, журналист экансиз, менга 10 дақиқа, йўқ-йўқ, 7 дақиқагина вақт ажратинг. Мен гумроҳнинг бошидан ўтганларини, шум тақдиримни газетага ёзинг. Токи мендайн адашган, сабр, шукур каби инсоний сифатларни йўқотганларнинг ҳаёти барчага сабоқ бўлсин.

Кўзларини ерга тиккан отанинг елкалари силкинарди. Бироз сукутдан сўнг яна сўз бошлади:

— Ота-онам ишбилармон кишилар эди. Оилада 3 қиздан кейин туғилганим учун мени пўпалаб катта қилишди. Тилганим доим муҳайё. Ўсмирлик инжиқликларим, балоғат ёшидаги шўхликларимни четга суришди, “уйлаб қўйсақ, эси кириб қолар”, деб ўйлашди. Афсуски, ҳаммаси тўйдан кейин бошланди.

Россияга қуруқ мевалар олиб бориб сотардим. Омадим роса келган, пулим кўпайган вақтлар. Маишат-

га берилдим. Бирин-кетин 2 ўғил, бир қиз фарзанд кўрдим. Рўзгоримда камлик йўқ эди. Хотиним оқила, саришта, мисли фаришта аёл эди. “Нима каминг бор, нима етишмаяпти? Отангникида кўрмаган, емаганларингни муҳайё қиялпман, яна нима истайсан?” дея уни сўзлашига йўл бермасдим.

Бир куни “Болаларимнинг олдида бўлишингизни, уларга меҳр беришингизни хоҳлайман” деган хотинимнинг гапи оғзида қолди. Кулоғи остига тушган тарсакидан гандираклаб кетди. Шу-шу бўлди-ю, бирор марта, илтимос тугул юзимга тик қарамайдиган бўлди. Ота-онамнинг насиҳатларига “хўп” дердим-у, билганимдан қолмасдим. Мен учун муҳими — кўчадаги оғайнилару аёллар эди.

Ота-онам кексайиб қолишган. Ўзимнинг ёшим ҳам 60 дан ўтди. Аёлимнинг

АДАШГАН ОТА ҲИКОЯСИ



оқила, меҳрибон бўлишига қарамай ҳечам меҳр бермадим. Тўғрироғи, уни хотин ўрнида кўрмадим, гўё шу билан устунлигимни кўрсатардим. Ваҳоланки, у мендан устун экан. Болаларини ювиб-тараган, вояга етказган, тарбиялаган, қайнона-қайнотасининг ҳурматини

қозониб, дуосини олган. Ожизлигимни, оиламдан узоқлашиб қолганимни сезмабман ҳам.

Аёлим кундан-кунга сўлиб борар, соғлиғи яхши эмасди. Буни сезардим, аммо сир бермасдим. Бир гал сафардан келсам, шифохонада экан, бордим. Шифокорлар менда муҳим гапи борлигини айтишди.

...Кўзларим тиниб, бошим

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

айланиб кетди. Шу кундан бошлаб дунё қоронғи... Аёлим ОИТС касаллигидан вафот этди. Юрагимдаги ваҳима тинчлик бермай қўйди. Чунки хотиним ҳатто отасиникига ҳам рухсатимсиз бормаган. Қўрққаним бўлди...

...Тўрт йилдирки, дўхтирларнинг муолажалари билан яшайман. Энг ёмони бундан тўққиз ой олдин юз берди. Қизимни унаштирдик. Икки ёш тиббий кўрикдан ўтаётганларида қизимда ҳам шу касаллик аниқланди. Тўйи бузилди...

На ўликман, на тирик. Боламнинг кўзларига қаролмайман, нигоҳлари юрагимни тешади: “ҳаётимга нуқта қўйдингиз” деяётгандай. Афсус, афсус... Яшашимдан маъни қолмади. Минг бор афсус қилсамда, умрни ортага қайтариб бўлмайди. Бу изтироб мени икки дунёда қийнайди...

Ота-оёқ-қўли бут, юрибди-яшайпти. Палаталарнинг бирида дилбанди ҳаёт билан курашмоқда.

НИЛУФАР.

“Биргаликда юксалиш сари” танловига

НОМИНИНГ ЎЗИЁҚ ИШОНЧДАН ДАРАК

(Мувашишаҳ)

Ҳамиша юксалиш сари интилар,
Чўққини кўзлаган бургут мисоли.

Андижон бағридан отилиб чиқди,
Куч-қувватга тўлган йигит мисоли.

Мардонавор енгиб машаққатларни,
Ўз ўрнини топди Ўзбек элида.

Кундан кун ошириб хизмат сифатин,
Эҳтиром уйғотди мижоз дилида.

Олис овулдан то қишлоқ, Кентгача,
Кўмагидан бўлиб чексиз баҳраманд.

Раҳматлар айтмоқда ишбилармонлар,
Омонат соҳиби, минг бир ҳунарманд...

Биргаликда юксалиш — эзгу шиори,
Янги марраларга чорлаб турибди.

Асрий лойиҳалар рўёби учун
Йўлчи юлдуз каби порлаб турибди.

Номининг ўзиёқ ишончдан дарак,
Олтин стандартлар унда жо бўлган.

Каттаю кичикка бирдек қадрдон,
“Ҳамкорбанк” дир бу — ҳаётбахш маскан!..
Ҳалимжон ТОҲИРОВ

“Агар ёшлик давримда
учратганимда ва ёшимиз
тенг бўлганида, албатта,
Гуля опага уйландим”.
Нукус филиали ходими
Абубакр Жолдасбаевнинг
жамоа ошпази Гулжамол
Кутлимурадовага берган
ҳазиломуз, аммо самимий
таърифи шундай бўлди.
“Таомларининг мазаси
оғзингизда қолади. Ишдан
ҳориган, қорин очиб кетган
пайтда опа тайёрлаган тушлик
жонга роҳат бағишлайди”.



Гулжамол опанинг Нукус
филиалида ишлаётганига 10 йил-
дан ошди. Шу давр мобайнида
масъулиятлилиги, зийрак, чаққон
ва пазандалиги туфайли жамоа-
нинг ишончини қозонди.
“Таомларингиз мазали



Ёқимли иштаҳа

МАЗАСИ ОҒЗИНГИЗДА ҚОЛАДИГАН

“ЖУЕРИ ГУРТИК”

чиқшининг сири нимада?”
деган саволимизга “меҳрда”
деб жавоб берди ошпаз опа.
— Ҳар бир таомга меҳр бера-
ман, масаллиқларни мўл
қилиб қўшаман. Шунданми,
овқатларим хуштаъм бўлади.

“Биз ундан қорақалпоқлар-
нинг миллий таоми қайси ва у
қандай тайёрланади?” деб сўра-
дик. Гулжамол Кутлимурадова
“Жуери гуртик” деб номланади-
ган қорақалпоқ миллий таоми
ҳақида маълумот берди.

Бу овқат асосан қишда товуқ
гўшти ва хамирдан тайёрланади.
Ёзда организм учун кучлилиқ
қилиши мумкин. Хоҳишга қараб
мол гўшти ишлатса ҳам бўлаве-
ради.

“Жуери гуртик”даги бар-
ча жараёнлар қўлда бажарили-
ши билан аҳамиятли. Дастлаб
қаттиқроқ хамир қорилиб, зува-

ла олинади. Зуваладан кичик
бўлакчалар узиб олиниб, қўлда
митти кулча шаклида ёйиб
чиқилади. Товуқ гўшtidан таъб-
га қараб қайнатма ёки қовурма
шаклида шўрва пиширила-
ди. Сабзи, картошка, булғори
қалампири солинади.

Маромига етган шўрвада-
ги масаллиқлар олиб қўйилиб,
қолган сувига ёйилган хамирлар
солиб, пиширилади. Хамир пиш-
гач, лаганга сузилади. Устидан
масаллиқлар териб чиқилади.
Таъбга қараб унга зираворлар,
пиёз, кўкатлар қўшилади. Шу
тариқа қорақалпоғистонликлар
севиб истеъмол қиладиган,
инсонга куч ва кайфият
бағишлайдиган “жуери гуртик”
тайёр бўлади.

Нигора МИРОЛИМ ҚИЗИ
ёзиб олди.

СУКУТ САҚЛАШ

Айрим гап-сўзларга жавоб бермай
сукут сақлаб турган инсонлар жавоб
беришга ожиз бўлавермайди:

Шундай инсонлар борки, ўзгалар
қалбини жароҳатлаб қўймаслик учун
сукут сақлайди.

Шундай инсонлар борки, ўзлари алам
чекиб турган бўлади ва гапирса, алами
янада зиёда бўлиб кетади. Шунинг учун
сукут сақлаб туради.

Шундай инсонлар борки, гапи кор
қилмаслигини билгани учун жим бўлади.
Шундай инсонлар борки, ғазаб пай-
тида бирор кимсага қаттиқ гапириб, уни
йўқотиб қўймаслик учун индамайди.

Энди эса энг буюк сукут сақлаш қолди.
Бу ҳам бўлса, ўз нафсингиз ва услубингиз
билан тараққий топишингиз учун сукут
сақлашингиздир!

“Ҳикматлар чашмаси”дан.

ОБ-ҲАВО ҲАҚИДА

* Олимларнинг ҳисоб-
китобларига кўра, ҳар соат-
да дунё бўйича 760 марта
момақалдиқроқ кузатилади.

* 2002 йилдан бери то шу
кунга қадар ҳаво ҳароратининг
аста-секин пасайиши кузати-
ла бошлаган. Бунга атмосфера-
га тарқалаётган заҳарли газлар
сабабчи экан.

* 1932 йили Америкада қиш
шу қадар қаттиқ келганки, ҳатто,
Ниагара шаршараси ҳам музлаб
қолган.

* Эман дарахти бошқа
дарахтларга қараганда чақмоқ
уришига кўпроқ мойил бўлади.

* Чақмоқ осмондан ерга
эмас, ердан осмонга қараб
ҳаракатланади.

* Чақмоқ эркакларни аёл-
ларга нисбатан ўн карра кўпроқ
уради.

* Чақмоқ урган 10 одамнинг
9 нафари одатда тирик қолади.

* Осмондан тушаётган бир
томчи ёмғир пастга қараб соа-
тига 27, 35 километр тезликда
тушади.

* Ёмғирда “В-12” витамини
мавжуд.

* Кирланган қор тозасига
қараганда тезроқ эрийди.

* Ҳар йили момақалдиқроқ
ерга 10 миллион тоннага яқин
азот олиб тушади.

* Нам ҳаво қуруқ ҳавога нис-
батан иссиқни яхшироқ ушлаб
туради. Шунинг учун намлик
кучли мамлакатларда ҳаво
сахролардагидан ҳам иссиқроқ
бўлади.

* Инсоният тарихидаги энг
оғир дўл Американинг Кан-
зас штатига ёққан. Ўшанда дўл-
нинг соф вазни 700 граммга тенг
бўлган.

* Дунёдаги энг кучли шамол
Американинг Оклахома штатида
кузатилган. Шамолнинг тезлиги
соатига 512 километрни ташкил
этган.

* Европадаги газеталардан
бири 20 йилдан бери об-ҳаво
маълумотини шеърӣй кўри-
нишда чоп этади.

* Бундан 50 йил олдин Кали-
форнияда 6 кун тинмасдан қор
ёққан. Қорнинг қалинлиги 6
метрга етган.

БУ ҚИЗИҚ

* Ғарбий Австра-
лияда ҳақиқӣй пушти
рангли кўл бор.

* Ернинг турли
бурчакларида турли
хил камалак рангла-
рининг сони мавжуд.
Масалан, Буюк Брита-
нияда улар 6, Хитойда
— 5, араб давлатлари-
да — 4 ва Россияда эса
— 7.

* Юлдузлар ер юзи
пляжларидаги қум
заррачаларидан кўра
кўпроқ. Аммо битта
қум заррачасида юлдуздан кўра кўпроқ атомлар бор.

* “Турритопис нутрисула” номли медуза ер юзи-
даги ягона ўлмас мавжудотдир.

* Мушуклар 100 га яқин овозларни чиқариши
мумкин. Итлар эса фақатгина 10 хил овоз чиқарар
экан.

* Лимонда қулупнайдан кўра кўпроқ шакар мав-
жуд.

* Сиз туғилган кунингизни 19 миллион нафар
инсон билан бўлишасиз.

* Антарктидадан ташқари барча қитъаларда Рим
номли шаҳар бор.

* Монголия ҳарбий-денгиз қисмида ягона шатак-
ка олувчи кема мав-
жуд, унда 7 нафар
одам ишлайди ва
улардан фақат бит-
таси сузишни била-
ди.

* Балиқ ёшини
унинг тангачасида-
ги “йил узуклари”
ёрдамида билса
бўлади.



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган сана ва “Hamkorbank” ташкил топган куннинг 30 йиллиги олди-дан 42 нафар банк ходими Миср Араб Республикасининг Шарм ал Шайх шаҳрида ҳафталик саёҳатда бўлди.

Шарм ал-Шайх кейинги 30 йил ичида барпо этилган янги шаҳар экан. Йўллари равон, текис. Асфальтнинг ўзидан бир хил баландликда кўтариб қилинган махсус тўсиқлар светафор-сиз шаҳарда транспорт ҳаракатини тартибга солиб туради. Пиёдалар ўтиш жойлари, чорраҳалар яқинига шундай “тўсиқ”лар қилинганки, нафақат енгил машиналар, балки, ҳар қандай баланд автобуслар ёки юк автомобиллари ҳам тўхтаб ўтишга мажбур. Аҳолиси 30 минг атрофида.

Қизил денгиз бўйлари ғоят гўзал, мафтункор. Биз тўртинчи гуруҳда борган ҳамкасблар денгиз бўйидаги беш юлдузли “Tropiteal Naama Bai” меҳмонхонасига жойлашдик. Шароитлар, овқатлантириш, бетакрор ландшафтлар, замонавий бассейнлар-роҳатбахш, барчасида юксак дид мужассам. Дунёдаги энг шўр денгиз. Суви ниҳоятда тиниқ. Агар акваланг мисол махсус кийиниб ёки шунчаки ойнаванд резина ниқоб тақиб, бир муддатгина шўнғисангиз, денгиз гўзалликлари сизни ҳайратга солади. Турфа ранг ва шакллардаги декоратив балиқлар, денгиз тошбақалари, маржонлар ҳар қандай кишини ўзига ром этади. Агар яхта ёхуд катерга ўтириб, ичкарироққа қараб йўл олсангиз, дельфинлар шўҳ ҳаракатлари ила “рақс”га тушаётгандай ҳайратингизни оширади. Беихтиёр ҳайқариқ келади! Толиқишу зўриқишлар, қўйинки, барча чарчоғу ғуборлардан халос бўласиз бир лаҳзада.

Биз жойлашган меҳмонхона соҳилдан узоқ эмас, ҳаво ҳарорати қирқни кўрсатмоқда. Денгиздан мунтазам эсиб турувчи шамол танангизни яйратади. Улкан пальма, финдики хурмо дарахтлари гарчи серсоя бўлмасада, сайёҳлар шаҳрига ўзгача чирой беради. Денгизнинг жуғрофий жойлашуви ҳам ўзгача. Тўрт мамлакат — Саудия Арабистони, Иордания, Исроил ва Миср соҳилларини бирлаштириб туради.

Мисрга бориш асносида унинг тарихи билан қизиқдим. Қоҳирадаги Айн-Шамс университети шарқ тиллари кафедраси мудири Можида Махлуфнинг “Ўзбекларнинг Миср тарихида тутган ўрни” сарлавҳали мақоласида келтирилишича, Аббосийлар даврида, яъни, IX асрда бухоролик Аҳмад Ибн Тулун оиласи (аввал ўзи, кейин ўғли Хуморвия) Мисрни 38 йил давомида бошқаради. X асрда

эса фарғоналик Муҳаммад Ибн Тоғоч 35 йил ҳукмронлик қилади. Уларнинг даврида мамлакат ҳар жиҳатдан юксалади.

Интернет орқали топиб, ўқиган яна бир мақолада ҳикоя қилинишича, XIII асрнинг иккинчи ярмида Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердиннинг жияни (опасининг ўғли) Султон Сайфиддин Кутуз мисрликларни мўғуллар исти-

жасигача етади. Султоннинг энг яқин кишиси — маслаҳатчисига айланади. Ислонпарварлиги учун унга Сайфиддин, яъни “дин ҳимоячиси” деган ном берилади.

Вақти соати келиб, Миср султони қазо қилгач, ўрнига унинг ўн беш ёшли ўғли ҳукмдор бўлади. Васиятга кўра, Сайфиддин янги султоннинг суянчи, энг ишончли кишисига айланади. Бу вақтга келиб, мўғуллар араб давлатларига юриш бошлаган, Шом, Боғдод сингари давлатларни истило қилишга улгурган, ёвуз душманнинг назари энди Мисрга қаратилган эди. Гарчи кучли армияга эга бўлсада, ёш,

келади. Менга ишонинглар, мен султонлар авлодиданман!

Амирлар унга ишонч билдиришди. Султон Сайфиддин жангга пухта тайёргарлик кўради. Мисрга катта куч билан бостириб кирган мўғулларга қарши тажрибали саркарда ҳарбий ҳийлалар ишлатиб, катта қисмини қириб ташлайди, бир қисмини асир олади. Нафақат Мисрни, балки, қўшни давлатларни ҳам мўғуллардан ҳимоя қилади. Манбаларда ёзилишича, султон Сайфиддин Кутуз бир ярим йил ичида мўғуллар хавфини тўлиқ бартараф этгач, тахтни ўз эгасига топширади.

МИСР БИЗ УЧУН БЕГОНА ЭМАС



лосидан асраб қолади. “Кутуз” сўзи “қопағон ит” маъносини билдириб, бу лақабни унга мўғуллар қўйган эди. Воқеа бундай бўлган:

Асли исми Маҳмуд бўлган йигит тоғасидан жанг сирларини пухта ўрганади. Мард ва жасур бўлиб тарбия топади. Жалолиддин Мангуберди билан мўғулларга қарши аёвсиз жангларда қатнашади. Асир тушган Жалолиддинни курдлар ваҳшийларча ўлдиришганда ҳам унинг ёнида бўлади. Ёғийлар ёш Маҳмудни Дамашққа олиб бориб, қул бозорида арабларга сотиб юборади. Жисмонан кучлилиги учун уни Миср султонининг қўллардан иборат армиясига оддий аскар қилиб олишади. Болаликдан ҳарбий тайёргарликлар юқори бўлган Маҳмуд йиллар давомида оддий аскарликдан армия қўмондони дара-

тажрибасиз султон бундан таҳликага туша бошлайди. Маккор Чингизхон армияси мамлакат остонасига етиб келганда аҳоли ҳам қўрқувдан қараётган ҳолатга тушган эди. Биргина Хоразмшоҳ авлодидан бўлган Сайфиддингина қулай фурсатдан фойдаланиб, мўғул босқинчиларидан азият чеккан юртдошлари ва барча яқинлари учун ўч олмоқ ниятида ёнмоқда эди. Интиқом орзуси уни таваккал ва таҳликали қарор қабул қилишга ундайди. Мамлакат амирлари овга чиққан бир паллада султон ва унинг яқинларини ишончли жойга ихоталаб қўйиб, ўзини “бош ҳукмдор” деб эълон қилади. Пойтахтга қайтиб, ҳолатни билгач, норозилик билдирган амирларга қарата шундай дейди:

— Муҳтарам амирлар, сизлар мени тўғри тушунасизлар, деб ўйлайман. Юртимиз ғанимлар мустамлакасига айланмасин, десангиз, вақтинча султон бўлишимга қаршилиқ қилманг. Ҳукмдоримиз ҳали ёш, жангга озгина тажрибасизлик қилса, мўғуллар бизни янчиб ташлайди. Мен шахсий манфаатим учун ёки ғаразли мақсадда жиловни қўлга олаётганим йўқ. Мўғуллар билан ҳисоб-китобим охирига етган куни султонликни эгасига топшираман. Бу иш менинг қўлимдан

Бугун мисрликлар Сайфиддин Кутузни халоскор сифатида яхши биладилар. Қоҳирадаги султонлар майдонида унинг шарафига қўйилган ҳайкал шундан далолат бериб турибди.

Можида Махлуфнинг таъкидлашича, мамлакатда Аҳмад ибн Тулун ва унинг ўғли Хуморвия, Муҳаммад ибн Тоғоч ҳукмронлик қилган йиллар Мисрнинг олтин давлари бўлган. Илм-фан, тиббиёт, шаҳарсозлик, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, халқаро алоқалар ривожланган, ҳарбий салоҳият юксалган. Кейинги асрларда ҳам гарчи мамлакатни маҳаллий халқлар бошқарсада, мажлис амира, султон қўриқчиси, султон шифокори сингари масъул лавозимларга ўзбеклар қўйилган. Ҳозирга қадар ҳам Миср сиёсатида ўзбеклар ўзига хос ўрин тутати.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Миср биз учун бегона эмас. Ҳамюртимиз Аҳмад ал-Фарғоний Нил дарёси сатҳини ўлчаб турувчи қурилма яратиб, мисрликларнинг мушуқлини осон қилганлигининг ўзи бу ерда бир муддат бўлсада, яшаган аجدодларимиз билан ҳар қанча фахрланишимизга асос бўлади.

Шукрулло НЕЪМАТОВ.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета “Hamkor Press” таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул: Н.ТУХТАМАТОВА
Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ
Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Г-749 Адади: 6029

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.